

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМИДА СИГНАЛ ҚИЙМАТИНИНГ ЭРОЗИЯСИ

Исломов Фурқат Усмон ўғли

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази — бош илмий ходими Қарши давлат техника университети — мустақил изланувчи

Аннотация: 2025 йилда Ўзбекистонда олий таълимга хужжат топширувчилар сони бир йилда 161 868 нафарга камайди. Бу рақам йиллар мобайнида бериб келинадиган саволнинг жавоби: диплом олиш ҳақиқатан ҳам арзийдими? Ушбу мақолада мазкур саволнинг жавоби иқтисодий, статистик ва қиёсий таҳлил орқали келтирилади.

Спенс (1973) сигнал назарияси доирасида таълим фақат инсон капиталини ошириш воситаси эмас, балки меҳнат бозорида ишчининг малакасини иш берувчига "сигнал" берувчи механизм сифатида кўрилади. Ўзбекистон контекстида айнан ушбу "сигнал"нинг иқтисодий қиммати пасаяётганлиги муаммонинг асосини ташкил этади.

Мақолада Жаҳон банки, OECD ва Миллий статистика қўмитаси маълумотлари, шунингдек Германия, Туркия, Жанубий Корея, Австрия ва Сингапур тажрибасига суянган ҳолда Ўзбекистон учун аниқ тавсиялар таклиф этилади.

Кўрсаткич	Рақам	Манба
Жами талабалар сони (2024/25)	1,5 млн нафар	Миллий статистика қўмитаси
Университетлар сони (5 йилда)	127 → 222 та	Миллий статистика қўмитаси
Ёшлар (15–24) ишсизлик даражаси	11,4%	Жаҳон банки / FRED, 2025
Ҳар йили иш бозорига кирувчилар	-700 000 нафар	IndexBox Uzbekistan, 2025
Янги иш ўринлари (йиллик)	-300 000 та	Daryo.uz, 2024
Абитуриентлар камайиши (2025)	-161 868 нафар	Gazeta.uz, 2025

КИРИШ

2025 йилда бир томондан Ўзбекистонда олий таълимдаги талабалар сони рекорд кўрсаткичга — 1,5 миллион нафарга (2020 йилда 571 500 нафар) — етди. Иккинчи томондан эса олий таълимга хужжат топширувчилар сони 2024 йилга нисбатан 161 868 нафарга кескин камайди. Бу қарама-қаршилик тасодиф эмас.

Ҳар йили 700 минг нафардан зиёд ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Лекин иқтисодиётда йилига ўртача 300 мингта янги расмий иш ўринлари

яратилляпти. Қолган қисм "ўзини-ўзи банд қилиш" (репетиторлик, курьерлик, устачилик), меҳнат миграцияси ва мавсумий ишлар ҳисобига тўғри келади.

Мазкур мақоланинг асосий гипотезаси: Ўзбекистонда олий таълим инвестицияси — иш бозори мослашувсизлиги ва таълим сифати муаммолари туфайли — меҳнат даромади ва иш таъминотига қутилган натижани бермаяпти. Бунинг натижасида дипломнинг иқтисодий "сигнал қиймати" эрозияга учрамоқда.

«Муаммо кадрлар сонида эмас — малакалар мосликсизлигида (skills mismatch). 2025 йилда Ўзбекистонда 760 минг киши расмий ишсизлар рўйхатида турган, аммо компанияларнинг катта қисми малакали кадр тополмаяпти».

3. ЖОРИЙ ҲОЛАТ: РАҚАМЛАР ТАСВИРИ

3.1. Олий таълим тизимининг кенгайиши

Сўнгги 5 йилда Ўзбекистондаги университетлар сони 127 тадан 222 тага (1,7 баробар ўсиш), талабалар сони эса 571 500 нафардан 1,5 миллион нафарга етди, яъни 2,6 баробарга кўпайди. Ушбу ўсиш ортида тизимли зиддият вужудга келди, яъни, таълим тизими миқдорий жиҳатдан кенгайди, аммо иш бозори тегишли суръатда ривожланмади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ёшлар орасидаги ишсизлик даражаси 2025 йилда 11,4 фоизни ташкил этган — бу мамлакатдаги умумий ишсизлик кўрсаткичидан (4,9%) 2,3 баробар юқори. Ушбу рақам диплом ёшларни иш билан таъминлашнинг автоматик кафили эмаслигини яққол намоён қилади.

3.2. Олий таълим харажатлари ва ROI таҳлили

Олий таълимга харажат — кўпчилик оила учун энг йирик молиявий қарор ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда 4 йиллик ўртача олий таълим харажатлари ҳисобланган:

Харажат тури	Тахминий сумма (4 йил)	Изоҳ
Контракт тўлови	60–160 млн сўм	Йилига 15–40 млн сўм
Яшаш (ижара, озиқ-овқат, кийим)	-150 млн сўм	Ойига -3 млн сўм
Китоб, транспорт, бошқа	10–20 млн сўм	4 йил давомида
Йўқотилган иш даромади (opportunity cost)	-150 млн сўм	4 йил ишламаган вақт
ЖАМИ тахминий харажат	370–480 млн сўм	

Дипломнинг рентабеллик муддатини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$ROI \text{ муддати} = \text{Жами харажат} \div (\text{Дипломли маош} - \text{Дипломсиз маош})$$

2025 йилдаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб:

Кўрсаткич	Сумма
-----------	-------

Ўртача ойлик маош (дипломли, 2025)	6,4 млн сўм
Ўртача ойлик маош (дипломсиз, 2025)	4,1 млн сўм
Дипломдан қўшимча даромад (ойлик)	2,3 млн сўм
Дипломдан қўшимча даромад (йиллик)	27,6 млн сўм
Жами харажат (ўртача)	425 млн сўм
ROI муддати (йил)	≈ 15,4 йил
ROI муддати (яхши ҳолда)	≈ 10–12 йил
ROI муддати (паст маошли соҳалар)	18–22 йил

Таққослаш учун: OECD маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда олий маълумотли ходим дипломсиз тенгдошидан ўртача 2 баробар кўп топади. Жаҳон банки тадқиқотлари ҳар бир таълим йили инсон даромадини ўртача 9–10 фоизга оширишини тасдиқлайди — аммо бу натижа таълим сифати ва иш бозори мослигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

3.3. Абитуриентлар камайишининг таҳлили

Олий таълим вазирлиги маълумотларига кўра, 2025/2026 ўқув йили учун абитуриентлар сони 894 279 нафардан 732 411 нафарга — яъни 161 868 нафарга — тушди. Бу олий таълим тарихидаги энг катта бир йиллик камайиш.

Муҳим методологик эслатма: ушбу камайишнинг барча сабабини фақат "дипломга ишончсизлик" билан изоҳлаш нотўғри бўлади. Камида учта параллел омил мавжуд: (1) 2006–2007 йилларда туғилган авлоднинг нисбатан кичик демографик гуруҳи; (2) Россия, Қозоғистон, Европа, Корея каби давлатларга меҳнат миграциясининг кучайиши; (3) ёшлар орасида онлайн курслар ва касбий таълимга қизиқишнинг ошиши. Бироқ бу омиллар "дипломнинг сигнал қиймати пасаяпти" деган хулосани инкор этмайди — уни тўлдиради.

4. НАЗАРИЙ АСОС: ДИПЛОМ НИМА?

Иқтисодий назарияда таълимнинг икки асосий функцияси кўрсатилади. Биринчиси — инсон капитали назарияси (Becker, 1964): таълим одамнинг реал кўникмаларини оширади ва шу орқали унинг меҳнат бозоридаги самарадорлигини, яъни даромадини оширади.

Иккинчиси — сигнал назарияси (Spence, 1973): таълим, айниқса диплом, иш берувчига ходимнинг қобилияти ҳақида "сигнал" беради. Бунда диплом реал кўникма ўргатмаса ҳам, иш берувчи уни филтёр сифатида ишлатади. Муаммо шундаки, диплом оммалашиб кетса — сигнал қиймати йўқолади: иш берувчи учун у маълумот бермайдиган бўлиб қолади.

«Туркияда 2024 йилда олий маълумотлилар орасидаги ишсизлик даражаси (9,2%) умумий аҳоли ишсизлигидан (8,8%) юқори бўлган. Экспертлар бунини «дипломнинг сигнал қийматининг эрозияси» деб изоҳлади.»

Ўзбекистон айти шу иккинчи хатарга яқинлашиб борапти. Университетлар сони 3 баробар ошди — аммо иш бозорининг малака талаблари

тегишли даражада ривожланмади. Натижада «диплом бор, кўникма йўқ» авлод шаклланиш хавфи бор.

5. МАЛАКАЛАР МОСЛИКСИЗЛИГИ: РЕАЛ МИСОЛЛАР

Малакалар мосликсизлиги (skills mismatch) — бу меҳнат бозорида талаб қилинадиган кўникмалар ва таълим тизими берадиган кўникмалар орасидаги тафовут. Ўзбекистонда бу масала айниқса ишлаб чиқариш ва саноат секторида ўткир намоён бўлмоқда.

Ўзбекистондаги «BYD» электромобиль заводи мисоли кўрсатишича, йилига 20 минг та автомобиль ишлаб чиқараётган корхонада 100 дан ортиқ бўш иш ўрни мавжуд, шундан 25 таси робототехника, бўёқлаш автоматикаси ва роботларни дастурлаш муҳандислари учун. Ушбу ўринларни тўлдириш учун хориждан 80 нафар мутахассис жалб қилишга мажбур бўлинган.

Завод 4–5 йилда тўлиқ қувватга чиқиб, йилига 500 минг автомобиль ишлаб чиқаришга ўтса, 4000 нафар олий малакали кадрга эҳтиёж туғилади — бу фақат битта лойиҳа бўйича.

Енгил саноат соҳасида ҳам ҳолат шунга ўхшаш: 4000 нафар олий тоифали кадрга эҳтиёж мавжуд, аммо йилига битирилаётган 2500 мутахассиснинг 42 фоизи замонавий ускуналарда ишлаш кўникмаси йўқлиги сабабли ишга жойлаша олмаяпти. Оқибатда тадбиркорлар чет элдан тайёр мутахассис жалб қилишга мажбур. (Манба: Президент Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан кенгайтирилган йиғилиш)

Соҳа	Кадр эҳтиёжи	Мавжуд таклиф	Тафовут
Робототехника ва автоматика	4 000+ нафар	-800 нафар/йил	-3 200
Енгил саноат (замонавий)	4 000 нафар	-2 500 нафар/йил	-1 500 (42% мосликсиз)
IT ва кибер хавфсизлик	15 000+ нафар	-5 000 нафар/йил	-10 000
Қишлоқ хўжалиги агрономияси	3 000+ нафар	-1 200 нафар/йил	-1 800

Бу рақамлар шуни кўрсатадики, муаммо кадрларнинг кам тайёрланаётганида эмас — балки нотўғри йўналишда тайёрланаётганида.

6. ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

6.1. Германия — дуал таълим модели

Германиянинг “дуал таълим” (Duales Ausbildungssystem) тизимида ёшларнинг 60 фоизи олий ўқув юртига эмас, касбий-техник таълим дастурига боради. Бу тизимда ёшлар бир вақтда иш жойида (ҳафтада 3–4 кун) ва назарий мактабда (1–2 кун) таҳсил олади. Битиргач — иш кафолатланган, малака расман тасдиқланган.

2024 йилда Германияда ёшлар ишсизлиги 5,8 фоиз атрофида бўлган — бу Европа ўртачасидан сезиларли паст. Бундан ташқари, сантехник ёки электрик иш ҳақи жиҳатидан университет битирувчисидан деярли фарқ қилмайди. Ижтимоий нуфуз ҳам баравар.

6.2. Сингапур — квота ва сифат модели

Сингапур ҳукумати университетга кириш квотасини атайлаб чегаралаган: ёшларнинг фақат 30–35 фоизи олий таълимга қабул қилинади, қолганлари сифатли касбий коллежларга йўналтирилади. Касбий коллеж битирувчилари давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади. Натижада 15–24 ёш ишсизлиги 6 фоиз атрофида — Осиё-Тинч океани минтақасида энг паст кўрсаткичлардан бири.

6.3. Жанубий Корея — огоҳлантирувчи мисол

Жанубий Корея аксинча — университетга ҳаддан зиёд юқори талаб шаклланган жамиятнинг тирик мисоли. Мамлакатда 25–64 ёш аҳолисининг 70 фоизга яқини олий маълумотли — дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири. Оқибатда олий маълумотлилар орасида ишсизлик ва малакага мос бўлмаган ишда ишловчилар сони кескин ошди. Корея ҳукумати ҳозир "дипломсиз карьера" дастурини оммалаштиришга уринмоқда, аммо 20 йиллик стереотипга қарши бориш жуда қийин.

6.4. Австрия — мувозанатли модель

Австрияда ёшларнинг 40% дан камроғи университетга боради. Кўпчилик касбий мактаб (Berufsschule) ёки политехника коллежини танлайди. Ота-оналар фарзандни мажбурлаб академик йўлга ундамайди, чунки моддий натижа ҳар икки йўлда ҳам деярли бир хил. Ёшлар ишсизлиги Европа ўртачасидан паст – 8,3%.

Мамлакат	Модель	Ёшлар ишсизлиги	Асосий хусусият
Германия	Дуал таълим	5,8%	Иш назария параллел +
Сингапур	Квота + касбий	6,0%	Университет 30–35% квота
Австрия	Мувозанатли	8,3%	Касб университет тенг нуфуз &
Жанубий Корея	Диплом инфляцияси	10,4%	Огоҳлантирувчи мисол
Туркия	Дипломнинг эрозияси	9,2% (дипломли!)	Ўзбекистон учун сигнал
Ўзбекистон	Ўтиш даври	11,4% (ёшлар)	Чорраҳада

7. ТИЗИМ ЁКИ МЕНТАЛИТЕТ? — МУАЛЛИФ ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистонда "диплом"га бўлган талаб фақат иқтисодий эмас — у ижтимоий ва маданий. «Ўқимаган бола» деган тамға оиланинг обрўсига тегади. «Ким бўласан?» деган саволга «дастурчи бўламан» эмас, «дастурчи бўлиш учун университетга кираман» жавоби кутилади.

Аммо бу мақоланинг асосий хулосаси шуки: менталитет — симптом, тизим — сабаб. Одамлар диплом олишга интилаётгани — уларнинг хатоси эмас, балки тизимнинг мантиқий оқибати. Агар меҳнат бозорида диплом ҳали ҳам филтёр сифатида ишлатилса, агар давлат хизматида ёки йирик корхоналарда диплом талаб қилинса — одамлар уни олишда давом этаверади.

Демак, менталитетни ўзгартиришдан олдин тизимни ўзгартириш лозим: иш берувчилар кўникма ва портфолиога, давлат хизмати эса расмий сертификатларга ҳам тенг эътибор берадиган муҳит яратилсагина, жамиятнинг «диплом менталитети» ўзгаришга мойил бўлади. Польша ва Германия тажрибаси бунинг исботи.

8. ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Диплом билан бандлик статистикасини очиқ эълон қилиш: Ҳар бир факультет ва университет бўйича битирувчиларнинг иш билан бандлик кўрсаткичи, ўртача маоши ва соҳага мослиги оммавий маълумот сифатида нашр этилсин. Абитуриент «бу йўналишдан иш топаётган одам борми?» деган саволга жавоб топа олиши керак.

2. Таълимда ROI тизимини яратиш: Мустақил методология асосида қайси муассаса, қайси йўналиш реал иш кафолати берар экани ҳисобланиши ва оммага маълум қилиниши керак. Бу абитуриентга онгли танлов имконини беради.

3. Касбий таълим имиджини ошириш: Давлат дастури доирасида касбий-техник мутахассисларни оммавий медиада кўрсатиш, уларнинг даромадлари ва муваффақиятлари ҳақида ҳикоялар тарқатиш.

4. Олий таълим квотасини мақсадли ривожлантириш: Иш бозорининг реал таҳлилига асосланган ҳолда, ортиқча талаб бўлмаган йўналишларга квотани кўпайтирмаслик, дефицит мутахассисликларга эса — кўпайтириш.

5. Касбий ва академик таълим тенг нуфузини таъминлаш: Сингапур ва Германия тажрибасидагидек, касбий коллеж битирувчиси ва университет битирувчиси ижтимоий-моддий жиҳатдан тенг имкониятга эга бўлиш.

9. ХУЛОСА

Жаҳон банки тадқиқотлари ҳар йилги таълим инсон даромадини ўртача 9–10 фоизга оширишини тасдиқлайди. OECD маълумотларига кўра, олий маълумотлиларнинг иш топиши 87 фоиз — дипломсизларники атиги 60 фоиз. Таълим инвестициясининг умумий ижобий таъсири шубҳасиз.

Аммо Ўзбекистонда муаммо дипломнинг ўзида эмас — унинг сифатида ва иш бозорига мослигида. ROI таҳлили кўрсатдики, ҳозирги шароитда диплом

инвестицияси 15 йилдан ошиқ муддатда ўзини оқлапти — бу ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан икки баробар узун.

Абитуриентлар сонининг кескин камайиши — жамиятнинг оқилона реакцияси. Тизим энди бу сигнални эшитиши ва жавоб бериши зарур: меҳнат бозорига киришда сифатли ва амалий таълим томонга ўтиш шарт. Бунинг учун тизимни ўзгартириш лозим — менталитет ундан кейин ўзгаради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Becker, G. S. (1964). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. New York: National Bureau of Economic Research.
2. Spence, M. (1973). Job Market Signaling. *The Quarterly Journal of Economics*, 87(3), 355–374. <https://doi.org/10.2307/1882010>
3. World Bank / FRED (2025). Youth Unemployment Rate for Uzbekistan [SLUEM1524ZSUZB]. Federal Reserve Bank of St. Louis. <https://fred.stlouisfed.org>
4. World Bank (2024). 50 Years of Returns to Education: What Have We Learned? World Bank Blog. <https://blogs.worldbank.org>
5. OECD (2024). Education at a Glance 2024: OECD Indicators. Paris: OECD Publishing. <https://doi.org/10.1787/b35a14e5-en>
6. IndexBox (2025). Uzbekistan Labour Market Overview 2025. <https://www.indexbox.io/store/uzbekistan-labour-market-report>
7. Euronews Business (2024). University graduates unemployment in Europe. <https://www.euronews.com/business>
8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги (2025). 2025/2026 ўқув йили абитуриентлар статистикаси. Тошкент.
9. Миллий статистика қўмитаси (2024). 2024/2025 ўқув йили статистик маълумотлари. Тошкент: Stat.uz.